Ушбу сонда:

2 ЗАРАФШОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

4 *Бор бўл, оқибат!* ЭЗГУЛИК УРУҒИ АБАДИЙ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 17 феврал, сешанба № 26 (1659)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Яқинда Тошкент вилоятининг Тошкент туманида вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан тумандаги барча бошланғич ташкилот раислари ва фаоллари учун ўқув семинари ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар Тошкент вилоятининг навбатдан ташқари иккинчи чақириқ йигирманчи сессиясидаги Ўзбекистон Президенти нутқларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ҳамда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирдилар.

Тошкент давлат шарқшунослик институтидан таклиф этилган сиёсатшунос ва иқтисодчи олимларнинг «Демократик жараён ва унинг хусусиятлари», «Иқтисодий ислоҳотлар: асосий натижалар ва муаммолар» мавзуларида қилган маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Келгусида Кенгаш бундай семинарларни вилоятнинг барча туман, шаҳарларида ўтказишни режалаштирган.

Э.РАҲМОНОВА

Хозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг бош йўналишларидан биридир. Бошқача айтганда, касаба уюшмалари одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий-руҳий ва маданий-аҳлоқий тамойилларни ривожлантиришга таъсир кўрсатишлари, амалдаги қонун талаблари асосида ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашлари лозим.

СОФ ФОЙДА 420 МИЛЛИОН СЎМ

Меҳнат ва рағбат

Шу боис жойларда тузилаётган жамоа шартномаларида иш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, асосий эътиборни деҳқон меҳнатини рағбатлантиришга қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва иш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатаяпти. Касаба уюшмаларининг фаолияти такомиллашиб, иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик мустаҳкамланмоқда. Мисол тариқасида Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли ширкат хўжалигини келтириш мумкин.

Жамоада меҳнат қилаётган 1890 нафар ишчи-хизматчи ва мутахассисларни моддий, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, соғлиқларини тиклаш, дам олишларини ташкил этишга жиддий аҳамият берилаяпти.

Натижада хўжаликнинг давлатга пахта, дон сотиш шартномавий режалари ошириб бажарилди. Биргина пахтачиликдан 420 миллион сўм соф фойда олинди. Ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражаси икки баробарга ўсди.

– Меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномасининг аҳамияти ошиб бормоқда, - дейди биз билан суҳбатда ширкат хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Хўжааҳмад Қўлдошев. – Бу муҳим ҳужжатда меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, пул мукофотлари, компенсация, қўшимча тўлов ва бошқа имтиёзлар ўз ифодасини топган.

Жамоа шартномасида ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан озод қилиш шартлари, иш ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган ўсмирларга яратиладиган имтиёзлар, меҳнат муҳофазаси, техника ва экологик хавфсизликка риоя қилиш кўрсатиб қўйилган.

Олинган фойда ҳисобидан ходимлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаяпти. Юқори кўрсаткичларни қўлга киритган Юсуф Аҳмедов ва Илҳом Атауллаев бошлиқ кичик ширкатлар, Оймурод Кўчаров, Ҳасан Жумаев, Сафар Набиев, Нодира Муродова, Даврон Файзиев каби ижарачилар рангли телевизор билан тақдирландилар. Умуман хўжалик бўйича илғор жамоаларга 3 дона рангли ва 24 та оқ-қора тасвирли телевизорлар, 30 та қимматбаҳо ғилам мукофотга берилди. 163 тонна ўсимлик мойи, 10 тоннадан ортиқ дон тарқатилди.

Ширкат хўжалиги ҳомийлигидаги Ҳ.Хўжаматов, Мирзо Улуғбек номли мактаблар ҳам мурувватдан қуруқ қолишмади. Илм масканлари ўқувчиларига телевизор, гилам, қўл соати ва бошқа совғалар тақдим этилди. Ўқитувчилар ҳам муносиб тақдирланишди.

Меҳр ва мурувват йилида эзгуликка йўғрилган савоб ишлар изчиллик билан амалга оширилаяпти. 50 дан зиёд кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз қарияларга бир миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 10 нафар илғор ишчилар «Майманоқ» сиҳатгоҳида бўлиб, соғлиқларини тикладилар.

Хўжаликда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Тажрибали мураббий Фарҳод Бердиев ташаббуси билан ўқув масканлари, ширкатлар, маҳаллалар ўртасида спортнинг футбол, волейбол, миллий кураш, шоҳмот-шашка турлари бўйича мусобақалар уюштирилаяпти.

Хўжалик марказидаги 640 ўринли маданият саройи меҳнаткашлар бўш вақтларини мазмунли ўтказадиган ҳордиқ масканига айлантирилган. «Сарвиноз» фольклор-этнографик дастаси пахтакор ва чорвадорларга концертлар намойиш этмоқда. Қишлоқ клуби мудири Асқар Набиевнинг фаоллиги туфайли турли-туман оммавий-маданий тадбирлар ўтказилаяпти. Одилжон Диллаев, Барот Бекназаров, Лочина Жаддиева сингари санъат шайдоларининг ҳар бир чиқиши мухлислар томонидан қизиқиш билан кутиб олинади.

Маданият саройидаги 35 минг 200 та китоб фондига эга бўлган кутубхонанинг мухлислари тобора кўпаймоқда. Кутубхона мудираси Гулноз Жумаева ташаббуси билан шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кунларига бағишланган адабий, бадиий кечалар, уч авлод учрашувлари, оила ва ёшлар тарбиясига бағишланган мулоқотлар ўтказилаяпти.

Қишлоқда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юмушларини ташкил қилиш, тўй-маъракаларни исрофгарчиликсиз, ихчам ва тартибли ўтказишда касаба уюшма фаолларидан Мурод Чўлиев, Маҳбуба Рўзибоева, Тилла Жўраев, Холбика Нуроваларнинг хизмати катта. Қўмита ёрдами билан хўжаликдаги туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Қўшма корхона - хориж ишончи

МАРҒИЛОН ТАМҒАСИ БИЛАН

Марғилон шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигидаги «Марғилон текстил» қўшма корхонаси маҳсулотлари Россия, Туркия, Таиланд бозорларида шуҳрат топмоқда. Янги корхона мамлакатимизда енгил саноат тизимини юксалтириш иккиламчи хомашёлардан жаҳон андозасига мос бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этади.

Йилига 5 минг тонна маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган корхона энг замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланди. Янги ишлаб чиқариш тармоғи бир вақтда 3 минг 245 нафар маҳаллий ёшлар учун кафолатли иш ўринлари яратди.

Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича қисқа вақт давомида корхонада 879 тонна пахта чиқиндилари қайта ишланиб, 628 тонна юқори навли пахта момиқлари тайёрланди. Ҳозирнинг ўзида Марғилон тамғаси туширилган 314 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот намуналари экспорт қилинди. Бундан ташқари, корхона 45 минг 880 метр мато ишлаб чиқарди. Махсус иш кийимлари ва қўлқоплар тайёрлашда қўл келадиган ушбу маҳсулотга талаб катта бўлмоқда.

— Айни кунда тармоқнинг иккинчи навбатини ишга тушириш, ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш, ички ва ташқи бозорга сифатли маҳсулот турлари етказиб бериш борасида иш олиб боряпмиз, - дейди бош муҳандис Авазбек Тўхтахўжаев. — Шу мақсадда Туркиянинг «Балкан» фирмаси билан янги титиш-саралаш дастгоҳларини сотиб олиш юзасидан шартномалар имзоладик. Янги ишлаб чиқариш тармоғи жорий йилнинг дастлабки чорагида ишга туширилади. Бундан ташқари, Германиянинг «Тручлер» фирмаси билан калава-ип ишлаб чиқарувчи технологик линияларни харид қилиш борасида амалий иш олиб боряпмиз. Янги лойиҳа бир йилда 3760 тонна сифатли, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган пневмомеханик калава-ип ишлаб чиқариб, 5 миллион 640 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиш имкониятини беради. Шунингдек, тармоқда бўяш, тўқув, тикувчилик цехлари ташкил этилади. Бу енгил саноат маҳсулотларини хомашё тариқасида эмас, тайёр маҳсулот сифатида четга экспорт қилиш имкониятини бериб, 3 минг нафар маҳаллий ёшларни иш билан таъминлайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
Фарғона вилояти

ОЛИМПИАДАГА ЯНА ИККИ ЙЎЛЛАНМА

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида икки нафар спортчимиз Афина Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан хабар қилишларича, иқтидорли таэквондочи Наталья Микрюкова Осиё чемпионлиги ва олимпия лицензиясига сазовор бўлди.

Шунингдек, қитъа чемпионати кумуш медали соҳибаси бўлган Ирина Кайдашова ҳам Афинага боради.

(ЎзА)

2004 йил-Меҳр ва мурувват йили

АМАЛИЙ ЁРДАМ ЯНАДА КУЧАЯДИ

Меҳру оқибат, саховат инсонларга хос бўлган фазилат саналади. Унинг барқарорлигини таъминлашга интилиш ҳамиша кучли бўлган. Мамлакатимизда ана шу кадриятларимизга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурининг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Дастур доирасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилди. Шундай экан, бу хайрли ишларда касаба уюшма ташкилотининг ўрни қандай бўляпти?

Қуйида касаба уюшма фаолларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ва режаларига ўрин берилади.

Алишер ТОЖИЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят вакили.

Юрт истиқлолидан сўнг қадриятларимиз ўз ўрнини топяпти. Мана бешинчи йилдирки, инсонийлик намунаси, одамларга меҳр кўргазишда амалий қадамлар қўйиб келиняпти. Амалдаги йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» дея эътироф этилиши ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга яна бир карра жамоатчилик эътиборини қаратиш бўлди. Тармоқ ходимлари ҳам хайрли-савобли ишлардан четда эмас. Давлат дастури 136 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларида атрофлича муҳокама этилиб, дастуриламал сифатида қабул қилинди. Бу борада тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Яқинда нишонланган қурбон ҳайити муносабати билан кам таъминланган хонадонлар, ёлғиз қариялар, қаровчисини йўқотган оилалар, ногиронларга кўмак кўрсатилди. «Саховат уйи»га баҳоли қудрат мадад кўрсатиб келяпмиз. Чунончи, ўтган йиллар мобайнида қариялар уйига рангли телевизор ва совғалар улашиб келдик. Амалдаги йилда бундай ёрдам янада кучайтирилди. Шунингдек, тармоқ ташкилотларида ишловчиларнинг 7 ёшгача бўлган болаларини даволатиш учун бир йилда бир маротаба энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш жорий этилди. Бу эса юзлаб болалар саломатлигини муҳофазалаш имконини беради. Шунингдек, кам таъминланган хонадонлар фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлашни икки баробарга кўпайтиришни ҳам режалаштирганмиз. Тармоқ ходимлари фарзандларини дам олдиришни ҳам ўйлаб қўйганмиз. Бу йил ўндан ошиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож хонадонлар фарзандлари касаба уюшма ҳисобидан бепул дам олдирилади.

Хуллас, фаолиятимизни маҳалла қўмиталари билан мувофиқлаштирган ҳолда юритиб, ёрдамга муҳтож кишиларга амалий ёрдам салмоғини кучайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Мадина ТОШПЎЛАТОВА,
«Сарбонтекс» Ўзбек-Британия қўшма корхонаси цех касаба уюшма ташкилоти етакчиси.

Жамоамиз аҳил ва иноқ. Турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек бир-бирига оқибатли. Корхонамизда «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 5 нафар кам таъминланган оилани ўз қарамоғимизга олганмиз. Айни чоғда уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келяпмиз.

Яқинда маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан хайрия тадбири ўтказилди. Кам таъминланган хонадонларга 600 килограмм гуруч бепул етказиб берилди. Бундан ташқари, уларга ошхонамизда ош дамланиб, совға-салом улашилди. Амалдаги йилда бундай хайрли савобли ишлар кўпайиб боряпти. Шундай қилиб биз касаба уюшма вакиллари аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини аниқлаш, уларга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишни биринчи галдаги вазифамизга айлантирдик.

Ходимларга иш шароити яратиш, уларнинг унумли ишлаб, мазмунли дам олишини таъминлаш касаба уюшма назоратида. Уларнинг ишга келиб-кетиши харажатлари корхона ҳисобидан таъминланяпти. 600 нафар киши бепул иссиқ овқат билан таъминлаб келиняпти. Жамоа ишчиларини тиббий ёрдам, дори-дармонлар билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Корхона фаолиятини жонлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида изланишлар олиб бориляпти.

Кўчи БОЛТАЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Ш.Рашидов номли туман қўмитаси раиси.

Туманимиз иқтисоди ночор, қолоқликда қолаётганди. Мавжуд экин майдонлари фермер хўжаликларига тақсимлаб берилгач, аҳвол ўзгарди. Айни дамда 710 та фермер хўжаликлари ер олиб, мулк соҳибларига айланишди. Илк йилдаёқ рентабеллик даражаси ошди. Қарздорликдан қутилиш имкони туғилди. Айни кунларда тадбиркорларимиз ишлаб топган соф даромадларини хайрли ишларга, қишлоқларни ободонлаштиришга сарфлашга қарор қилганлар. «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан ўндан ортиқ кам таъминланган хонадонларга мадад кўрсатилди. Фермерлар саъй-ҳаракати билан ташландиқ клуб биноси таъмирланиб, кураш саройига айлантирилди. Бу гўшада меҳнаткашларимизнинг юзлаб фарзандлари миллий кураш сирларини ўрганиш билан бир пайтда саломатликларини тиклашяпти.

Алижон МАТХОЛИҚОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Сирдарё туман қўмитаси раиси.

– Жамоамизда 280 нафар ногиронлар бор. Уларни имкон даражасида иш билан таъминлаб келяпмиз. Ҳар чорақда касаба уюшма ва маъмурият маблағлари ҳисобидан моддий кўмак бериш йўлга қўйилган. Бир нафар кексани оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда уй билан таъминладик. Таълим тизимида хизмат қилган 30 нафарга яқин фахрийлар қурбон ҳайити муносабати билан касаба уюшма кўмагини олишди. Бу йил туманимиз бўйича 600 нафарга яқин кам таъминланган иқтисоди ночор ва кексаларга амалий ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиз.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

СПОРТГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҒИ ДАРКОР

Самарқанд вилоят футбол федерациясининг йиғилишида асосий эътибор футболни ривожлантиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларга қаратилди. Уни вилоят ҳокими, вилоят футбол федерацияси раиси Р.Холмуродов бошқарди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Б.Бобомуродовнинг таъкидлашича, ўтган йили вилоятда 14 та янги стадион фойдаланишга топширилган.

Болалар, ўсмирлар, ёшлар ва фахрийлар ўртасида футбол мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Ёшлик», «Умид», «Футболимиз келажаги», «Футбол ғунчаси» каби вилоят турнирларида 25 минг нафарга яқин ўсмирлар, ёшлар иштирок этган.

Аммо жойлардаги эътиборсизлик туфайли футболнинг ривожланиши суст. Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида вилоят футбол жамоалари иштирок этмаяпти.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида қатнашиб келаётган «Самарқанд-Динамо» жамоасининг ҳам бугунги аҳволи қониқарли эмас. Жамоани истеъдодли маҳаллий ёшлар билан тўлдириш лозим.

Йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, спортнинг барча турларини, жумладан футболни, айниқса болалар спортини янада ривожлантириш борасидаги зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎзА)

АНГРЕННИНГ ЗИЁ МАСКАНЛАРИ



Ангрен шаҳар ўлкашунослик музейи ёшлар учун чинакам маданият масканига айланган. Томоша вақти тугаган бўлса-да, зални тарк этгиси келмай, ҳар бир экспонат олдида узоқ туриб қолган, музей ходимларини саволларга кўмиб ташлаётган йигит-қизларни кўриб ана шундай хулоса чиқардик.

Бундан ўттиз йилча илгари ишга тушган музей яқинда қайта таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар келтирилди, янги экспонатлар билан бойитилди. Бу ерда расмлар галереяси ҳам очилди.

- Музейимизга ҳар куни юзлаб томошабин келади. Уларни Оҳангарон воҳасининг ўзига хос табиати, шаҳримиз ўтмиши ва бугунги куни кўпроқ қизиқтиради,- дейди катта илмий ходим Д.Патель.

* * *

Ангрен шаҳар марказий кутубхонаси доимо китобхонлар билан гавжум бўлади. Кутубхона директори Гулбаҳор Сафарованинг айтишича, 137 мингта китоб, 35 мингдан ортиқ доимий китобхон бор. Бултур беш юзтача янги китоб олиб келинди. Айни вақтда кутубхонага 55 номдаги газета-журнал келади.

Кутубхонада пулли хизмат кўрсатиш ҳам жорий этилган. Ундан тушадиган маблағ янги адабиётлар ва зарур жиҳозлар сотиб олишга сарфланади.

(ЎзА)

АЪЗОЛИК БАДАЛИ ФАҚАТ МАОШГАМИ?

«Ишонч» фош этади

Бозор иқтисодиёти шароитида жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларга кўнгилдагидек иш шароитларини яратиб бериш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Ўз тизимида 469 та бошланғич ташкилоти бўлган Қорақалпоғистон Республикаси агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам давр талаблари асосида фаолият кўрсатмоқда.

Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим туман ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятида камчиликлар ҳам учраб турибди. Шу ўринда Тахтакўпир туман тармоқ касаба уюшма қўмитасини олиб кўрайлик. Бу ерда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд бўлса ҳам уни батараф этиш юзасидан мазкур қўмита раиси Тўрабой Усмонов томонидан ҳеч қандай чора кўрилмаган. Ушбу масала юзасидан туман қўмитасига ўтган йил мобайнида атиги битта ариза келиб тушган. Қизиғи шундаки, у ўз вақтида кўриб чиқилмагани етмагандек, аризачига жавоб ҳам берилмаган.

Хўжайли туман касаба уюшма қўмитасидаги аҳволни ҳам бундан яхши, деб бўлмайди. Бу ерда иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат қилингани йўқ. Меҳнаткашлардан тушаётган ариза ва шикоятларни рўйхатга олиш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш дафтари умуман йўқ. Ўтган йил давомида бирор марта ҳам раёсат йиғилиши ўтказилмаган. Спорт ҳамда маданий тадбирлар ҳам йўқ ҳисоби. Натижада касаба уюшма аъзолари сони 6 минг нафарга камайиб кетган.

Элликқалъа туманида ҳам аҳвол ниҳоятда ачинарли. Бу ерда 2001-2003 йилларда тушган аъзолик бадаллари фақатгина ойлик-маошга сарфлаб келинган. Иш шу даражага етгач, касаба уюшма фаоллари ўқуви ҳамда турли маданий-спорт тадбирларини ўтказиш ҳақида қандай гап бўлиш мумкин? Тумандаги «Сарибой» ширкат хўжалиги касабақўм раиси К.Юнусовнинг фаолияти сустлиги туфайли иш ҳақини ўз вақтида бериб бориш масаласи ҳатто жамоа шартномасига киритилмаган.

Айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг етакчилари меҳнаткашлардан тушаётган ариза ва шикоятларга ўта бефарқ муносабатда бўлишмоқда. Бу фикримизга «Олтин тола» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси Б.Абдуллаевнинг фаолияти мисол бўла олади. Унга касаба уюшма аъзоси О.Бозорбоева моддий ёрдам сўраб мурожаат этган. Унинг аризаси эса ҳатто рўйхатдан ҳам ўтказилмаган.

Юқорида номлари тилга олиб ўтилган туман ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари меҳнаткашларга иш шароитини яратиб бериш ва уларнинг меҳнатини муҳофазалаш масалаларида ҳам қатъийлик кўрсатилмаётир. Бу эса ўз навбатида тармоқ меҳнаткашлари ўртасида эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Э.ЭРМАТОВ,
Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбирлари

ЗАРАФШОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА



ЭРТАНГИ КУН – ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими 1972 йилда ташкил этилди. Бугунги кунда унинг таркибида 12 умумтаълим мактаби, 3 мактабгача таълим масканн, болалар ва ёшлар спорт мактаби, маънавий ва қўшимча таълим маркази, «Шодлик» болалар уйи ишлаб турибди. Айтиш мумкинки, бу ердаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини яхшилаш, материал-техник базасини мустаҳкамлаш, педагог кадрларнинг профессионал маҳоратини оширишда жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Зарафшон ХТБнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳамиша мактабларда рус тилидан сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг етишмаслиги бўлиб келди. Хайриятки, ҳокимият ва марказий руда бошқармаси билан ҳамкорликдаги қўшма программага асосан Навоий тоғ-конметаллургия комбинати ҳисобидан мактаб битирувчиларини олий ўқув юртларида ўқитиш йўлга қўйилди, худди шунингдек, уй-жой билан таъминлаш шарти билан нафақадаги ва малакали кадрлар ишга таклиф қилинди. Шуни миннатдорчилик билан айтиш лозимки, бизнинг барча муаммоларимизни йиллар давомида ечишда НТКМК беғараз ёрдам кўрсатиб келди. Айниқса, мактабларни кузги-қишки мавсумга тайёрлаш НТКМК томонидан ҳамиша ўз вақтида сифатли қилиб уддаланмоқда. Барча жорий таъмирлаш ишларининг 80 фоизини ҳар йили НТКМКнинг Марказий руда бошқармаси ўз ҳисобидан бажараётир. Уларнинг оталиқ ёрдами туфайли ўтган йили республикамизда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича ўтказилган кўрик-конкурсда фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Мактабларни техник жиҳозлаш ўқув сифатини яхшилашнинг муҳим шартидир. Бу борада «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси қўшаётган ҳисса айниқса ибратли бўлаётир. Корхона 2001 йилда шаҳардаги ва қўрғонлардаги барча мактабларнинг компьютер синфларини 85 миллион сўмлик замонавий «PENTIUM-3» ва принтерлар билан таъминлади. Шунингдек, қўшма корхона ҳар йили барча кам таъминланган оила фарзандларини ўз ҳисобидан тўла дарсликлар билан таъминламоқда. Бу кўрсаткич 2001 йилда 34 миллион, 2002 йилда 39 миллион, 2003 йилда 36 миллион сўмни ташкил этди.

2000 йилда шаҳарда «Шодлик» болалар уйининг очилиши болаларга ўзгача қувонч ва завқ улашди. Марказий руда бошқармаси болалар уйини ишга туширишнигина ўз зиммасига олиб қолмай, тарбияланувчилар учун зарур жиҳоз ва бошқа керакли нарсалар билан доимий таъминлаб келмоқда. Болалар уйидагиларни озиқ-овқат билан таъминлашни деярли тўлиқ «Зарафшон-Ньюмонт» ўз зиммасига олган. Мана тўрт йилдирки, марказий руда бошқармаси ХТБ бўлимида ҳомийликка олинган 100 нафар кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандларини ўз ҳисобидан тўла таъминлаш ва яхши анъаналарини ўзлаштириш мақсадида чет элга жўнаб кетди. 2003 йилда ўтказилган кўрик-конкурсларда қатнашган 27 ўқувчининг 15 нафари иккинчи ва учинчи турларда катта билим эгаси эканини намойиш этишди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мазкур АКСЕЛС линияси бўйича инглиз тили ўқитувчилари ўртасида ўтказилган конкурснинг икки турида 1-мактаб-гимназия ўқитувчиси Софья Деҳқонова «Ўқитишдаги ютуқлари учун» мукофотига сазовор бўлди.

Шаҳардаги 1,13-мактаб жамоалари 1995 йил бошидан Ўзбекистондаги Американинг Тинчлик корпуси билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Ҳамкорлик алоқалари икки йўналиш— инглиз тилини амалиётда қўллаш ҳамда иқтисодиёт (бизнес) асосларини ўрганишга қаратилмоқда.

Г. АКСЮЧИЦ,
Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими мудири

Саноат. Зарафшон шаҳар саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2003 йил якунлари бўйича 164078 млн. сўмни ташкил этди. Шундан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 158392 млн. сўми «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасига тегишлидир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Халқ истеъмоли моллари. *Халқ истеъмол моллари 2003 йил якунлари бўйича 13497 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,3 фоизга бажарилган. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш таркибига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари 2637,5 миллион сўмни, ноозиқ овқат маҳсулотлар 9292,2 миллион сўмни, шундан енгил саноат моллари 1564 миллион сўмни ташкил этди.*

Капитал қурилиш. Капитал қўйилмалар ҳажми 2003 йил якунлари бўйича 71727 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткични ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаб қаралганда 1991 йилги смета нархи бўйича 122 фоизга, ўз кучи билан бажарилган ишлар 22217,2 миллион сўмга ёки 1991 йил смета нархи бўйича солиштирилганда 101 фоизга бажарилган.

Ташқи иқтисодий фаолият. *Зарафшон шаҳрида 5 та қўшма корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Шаҳарда ташқи савдо айланмаси 2003 йил якунлари бўйича 198496,6 минг долларни ташкил этиб, шундан 159671,5 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган, 38825,1 минг долларлик маҳсулот импорт қилинган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ташқи савдо айланмаси 106 фоизга, экспорт 100,4 фоизга, импорт 140,3 фоизга бажарилган.*

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

Шаҳар бўйича ҳозирги кунда 406 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда, шундан 15 таси ўрта, 46 таси кичик, 345 таси микрофирмалардир.

2003 йилда 60 та кичик бизнес субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш режалаштирилган бўлиб, амалда 63 та кичик бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди ёки режа 105 фоизга бажарилди.

Шаҳар тижорат банклари томонидан 2003 йилда кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида 1909,7 млн. сўм кредит берилди. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 53 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган.

Молия ва кредит. *Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми 2003 йил якунлари бўйича 2030 млн. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 107 фоизга бажарилган. Бюджетнинг харажатлар қисми 1754,2 миллион сўм бўлиб, режа 104 фоизга бажарилган.*

Давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тушуми режаси 2003 йилда 34740,2 миллион сўм бўлиб, ҳақиқатда бюджетга 38709,8 миллион сўм маблағ туширилди, яъни режа 111,4 фоизга бажарилди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш. 2004 йил 1 январ ҳолатига шаҳар аҳолиси 68537 кишини ташкил этди. Шаҳарда 43,1 минг киши ишга лаёқатли бўлиб, шундан 40,8 минг киши иш билан банд. «Бандлик» дастури бўйича 2003 йилда 1100 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда бу кўрсаткич 1166 тани ташкил этиб, режа 106 фоизга уддаланди.

Зарафшон шаҳрида фаолият кўрсатаётган савдо корхоналари томонидан 2003 йилда чакана мол айланиши 13572,3 миллион сўмга ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархда 101,2 фоизга бажарилган.

Пуллик хизмат кўрсатиш 2003 йилда 4793,9 миллион сўмга ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархда 122,9 фоизга бажарилган. Маиший хизмат кўрсатиш 949,7 миллион сўмга ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархда 159,6 фоизга бажарилган.



Кичик ва хусусий тадбиркорларга банк кўмаги

«ИНЕЙ» МУЗЛАТГИЧЛАРНИ ТАЪМИРЛАЙДИ

«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Зарафшон бўлимида бугунги кунда 392 корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатилаётган бўлса, шундан 230 тасини кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этаётир. Агар ўтган йили корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, уларнинг оборот маблағларини ошириш мақсадида 566,5 миллион банк ресурслари ажратилган бўлса, шундан 474,1 миллион сўми бевосита тадбиркорликни ривожлантиришга сарфланди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда айниқса микрокредитлар салмоғи катта бўлаётир. Жумладан, ўтган йили шаҳарда фаолит кўрсатаётган 23 фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий тадбиркорларга 113,4 миллион сўм, якка тартибда фаолият кўрсатаётган ишбилармонларга 106 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли молиявий ёрдам кўрсатилди. Натижада банк кўмаги билан шаҳардаги бир қатор маиший хизмат кўрсатиш субъектлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эришдилар. Металл буюмларига ишлов бериш ва таъмирлашга ихтисослашган «Геомашсервис», чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Самир» музлатгичларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган «Иней», қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажараётган «Камолот-М» корхоналари, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Исматов-О» хусусий тадбиркорлик корхонаси шулар жумласидандир.

Худди шунингдек, «Миллий банк»нинг Зарафшон бўлими уларга ўтган йили 1.333 миллион сўм маблағ ажратди. Шуниси характерлики, саноат, қурилиш, маиший хизмат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, савдо ва таъминот тармоқларига ажратилган мақсадли кредитлар ўзини тўла оқламоқда. Жумладан, «Гулла ватан» фермер хўжалиги банкдан олинган 40 миллион сўм кредит ҳисобига гўшт ишлаб чиқаришни қисқа фурсат ичида намунали йўлга қўйган бўлса, «Люкс» кичик корхонаси 40 миллионлик банк ёрдами билан сотиб олинган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида кийимларни тез ва сифатли кимёвий тозалаш ишларини амалга оширмоқда.

Банк кўмаги билан ташкил этилган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ўтган йилнинг ўзида 86 янги иш ўринлари яратилди.

Ибрат

Бугунги кунимиз эртанги кунга соғлом, билимли ва етук ёшларни тарбиялаб етиштириш билан муҳимдир. Бу ўринда маҳаллаларда истиқомат қилаётган вояга етмаганлар билан ишлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам маҳалла фаоллари, халқ таълими бўлими вакиллари, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш ҳайъати аъзолари, прокуратура, суд ходимлари билан ҳамкорликда шаҳарларда ўқув муассасалари, болалар боғчалари, олий ўқув юрти, коллеж, академик лицей, тиббиёт билим юртидаги ўқувчи-талабалар ўртасида профилактик суҳбатлар уюштирилмоқда. Айниқса, «Аср вабоси» деб тан олинган гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ва унинг вояга етмаганлар ҳаётидаги салбий оқибатлари ҳақида кенг тушинтириш ишлари олиб борилмоқда.

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ ФУТБОЛИ

ҳуқуқ ҳимоячилари оталиғида

Ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларида спортнинг ўрни катта. «Бекорчиликдан бемазагарчилик чиқади» деганларидек, шаҳримизда ҳокимлик қарорига асосан вояга етмаганлар ўртасида маҳаллаларда «футболимиз келажаги» футбол мусобақаси ўтказилиши анъана тусига кирди. Меҳнат жамоалари, жумладан, прокуратура «Олтин водий» маҳалласи, ички ишлар бўлими «Тинчлик» маҳалласи ёшларини ўз оталиғига олди. Мусобақаларнинг тартибли ўтказилиши ИИБ ХООБ ВЕОХОО гуруҳи томонидан таъминланди. Мусобақа якунларига кўра ғолиблар ҳомийлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ўтган йили шаҳар «Шодлик» меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 16 ёшга тўлган ўсмирларга Ўзбекистон республикаси фуқаролик паспортининг тантанали суратда топширилиши, шу куни ёшлар билан «Сиз шаҳар тарихини биласизми?», «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида қонун ҳимоячилари билан учрашув ўтказилиши, ўқувчилар томонидан тайёрланган байрам дастури, шаҳар ИИБ томонидан ёзилган байрам дастурхони ёшлар хотирасида умрбод муҳрланиб қолиши ва уларни ҳамиша эзгу ишларга ундаши табиий.

О.АКРОМОВ,
Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси катта инспектори, милиция лейтенанти

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидага товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори асосида Зарафшон давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ТЕЗКОР РЕЙД НАТИЖАСИ

Жумладан, 81 маротаба жойларда ўтказилган тезкор рейдлар натижасида 73 нафар тадбиркор фуқаролар қонун талабларини бузганлиги аниқланиб, улардан божхона юк декларацияси ва сифат сертификати бўлмаган 7823,1 минг сўмлик товар-моддий бойликлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва чора кўриш учун шаҳар судига юборилди. Суд қарорига асосан 6986,9 минг сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Зарафшонда четдан ноқонуний йўллар билан товар олиб келувчиларга қарши кураш кескин кучайтирилганини ўтган йил давомида 90 маротаба рейд ва текширишлар ўтказилганидан ҳам билиш мумкин. Текширишлар натижасида қонунбузарлик ҳолатларининг кескин пайи қирқилди. Буни шундай ҳам билиш мумкинки, ўтказилган тушунтириш ишлари натижасида савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунсиз савдо қилиш ҳолатларга деярли барҳам берилгани кузатилди. 88 тадбиркор фуқаро қонун талабларини бузгани аниқланди. Улардан 291,4 минг сўмлик товар-бойликлар олиниб, шу материаллари қонуний чора кўриш учун суд ҳукмига ҳавола этилди. Суд қарорига асосан ўтган йил давомида 14137,4 минг сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига ўтказилди.

Ғофур АБДУАЛИМОВ,
Зарафшон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

КОНЧИЛАР ШУҲРАТИ ОЛАМГА ЁЙИЛМОҚДА

Зарафшоннинг ёруғ ва нурафшон бугунги кунини спортсиз тасаввур килиб бўлмайди. Физкультура ва спорт билан шуғулланиш одамларни соғломлаштириш, кучли ва руҳан бардам бўлишнинг биринчи шарти экани амалиётда аллакачон тан олинган. Шу боисдан ҳам Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг Марказий руда бошқармаси шаҳарда ва жойларда ишловчиларга спорт билан шуғуланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бераётир.

Бу борада айниқса, «Прогресс» спорт комплексида амалга оширилаётган оммавий спорт ва физкультура соғломлаштириш ишлари ибратли бўлаётир. Спорт мажмуасидаги 23 нафар тренер-ўқитувчилар спортнинг бокс, кураш, самбо, эркин кураш, сузиш, волейбол, баскетбол, футбол, бадиий гимнастика, пауэрлифтинг, шоҳмот, таэквондо, каратэ-до, аэробика, енгил атлетика, стол тенниси турлари бўйича мунтазам машғулотлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда кончилардан 1931 киши спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сифатида қайд этилишининг ўзиёқ қувончлидир. Бу ерга одамлар ўз соғлиқларини тиклаш мақсадида ҳам келишади. 880 киши билан худди шу йўналишда машғулотлар олиб борилмоқда.

Шуниси характерлики ўтган йили бу ерда 73 киши норматив талаблари бўйича, 65 киши умумий разрядлар талаблари бўйича қўйилган шартларни муваффақиятли бажаришди. Пауэрлифтинг бўйича 5 киши – Л.Матинян, А.Лубанов, В.Ражабова, В.Бинько, В.Брындинлар спорт усталари деб топилди. Худди шунингдек, 3 киши сузиш, 1 киши бадиий гимнастика, 1 киши эркин кураш бўйича спорт усталигига номзод бўлишди. Олис чўлдаги шаҳарда спортда эришилаётган ютуқлар бугунги кунда бутун дунёга бор бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Катталар ўртасида Алмати шаҳрида пауэрлифтинг бўйича ўтказилган Осиё биринчилигида ҳамюртимиз Руслан Тўраев ғолиб деб топилди. Ёшлар ўртасида Венера Ражабова, Павел Приндин кумуш, Вадим Бинько, Венера Ражабовалар бронза медали соҳиби бўлишди. Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун бўлиб ўтган беллашувларда зарафшонлик Шоҳруҳ Шукуров ҳам ғолиблар сафидан жой олди.

Ана шунақа. Кончилар спортда эришаётган ютуқлар асло бу билан чекланмайди. «Прогресс» жамоаси спорт шаҳарнинг ҳар бир хонадони ҳар бир кўча, ҳар бир маҳалласида ўрин олиши ва кенг ривож топишини истайди. Шу мақсадда гоҳ автомобилистлар, гоҳ темирйўлчилар, гоҳ металлурглар куни муносабати билан руда бошқармаси бўлимлари ҳамда маҳаллалар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда айниқса, сузиш бўйича чўл бағридан чемпионлар етишиб чиқаётгани ҳаммани ҳайратлантирмоқда. Руда бошқармасининг беқиёс ғамхўрлиги туфайли «Прогресс»нинг «Нептун» бассейн залида бунинг учун барча қулайликлар яратилган. Сузишнинг соғломлаштириш гуруҳига Файзи Раҳмон Насибуллин тренерлик қилмоқда. Сузувчиларимиз мазкур тур бўйича республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб жамоа ҳисобида 2003 йилда Ўзбекистон чемпионати совриндори ҳамда кубок соҳиби бўлишди. Фарҳод Насибуллин, Есбол Сарсенбаев, Медеу Жулекеев, Алимжан Жулекеев, Мурат Дайрабоев, Шанабой Сералиевлар шахсий биринчиликда Ўзбекистон ҳамда Москва ва Алматида ўтказилган халқаро мусобақалар ғолиби бўлишди.

Шуниси характерлики, Марказий руда бошқармаси фақат шаҳарда спортни ривожлантириш билан чекланмай Томди тумани мактаблари спорт майдонларини таъмирлаш ва жиҳозлашга ҳам яқиндан оталиқ ёрдами кўрсатмоқда. Тумандаги 20 дан ошиқ мактаб жамоаси кончилар кўмагини яқиндан ҳис қилишди.

Г.ДОКУНИН,
«Прогресс» спорт мажмуаси дирекори

Саҳифани тайёрловчи:
Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ:** қандай лавозимларга ходим ишга қабул қилинганда ва кейинчалик иш давомида тиббий кўрикдан ўтиши зарур ва бу лавозимлар рўйхати қайси ҳужжатларда кўрсатилган? Тиббий кўрикдан ўтишда ходимдан соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан пул олинадими?*

Тиббий кўрикдан ўтказишга мўлжалланган хусусий поликлиника ходимни кўрикдан бепул ўтказиб беришга мажбурми? Агар мажбур бўлмаса бу харажатлар ким томонидан қопланиши керак?

Хабибулло МУРОТОВ,
Ғазалкент тумани, Абу Али ибн Сино номидаги хусусий тиббий кўрикдан ўтказиш поликлиникаси бош врачи

ЖАВОБ: амалдаги қонунчиликда барча ишга кирувчилар ва барча ишлаётган ходимларни тиббий кўрикдан ўтиши мажбурий қилиб кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига тиббий кўрикдан ўтиш мажбурийлигига доир алоҳида 214-модда киритилган. Бу моддада иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар рўйхати кўрсатилган:

– ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

– олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

– ногиронлар;

– меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

– озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

– умумтаълим мактабларида, мактабгача тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши зарур бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июнидаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймаслик ҳамда касалликларга чалинмасликларининг олдини олишдан иборатдир.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни иш берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтишда ходимдан ҳеч қандай пул олинмайди. Қонунга биноан ходим тиббий кўрикдан ўтишида қандай турдаги поликлиника (хусусий ёки бошқа) хизматидан фойдаланишидан қатъий назар ходим пул тўламайди. Лекин бу, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказаётган муассаса уларга бепул хизмат кўрсатади, - деган гап эмас. Ходимнинг тиббий кўрикдан ўтиши учун кетган барча харажатлар йўлланма берган тегишли муассаса ёки ташкилот томонидан қопланади.

Агар ходимларни тиббий кўрикдан ўтиши хусусий ёки пуллик хизмат кўрсатувчи поликлиникаларга юқори Соғлиқни сақлаш органи томонидан бириктирилган бўлса, бу ҳолда хусусий поликлиника ва ходимни тиббий кўрикдан ўтиши учун йўлланма берадиган муассаса ўртасида ўзаро шартнома тузилган бўлиши ҳамда бу харажатлар йилнинг бошида тасдиқланадиган сметага киритилган бўлиши зарур.

Баъзи бир вилоятлардаги бу муассаса йўл қўйилаётган хатоликлар такрорланмаслиги учун ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишда поликлиника раҳбарлари қонун талабларига тўлиқ риоя қилишлари шарт. Улар тиббий кўрикдан ўтаётган ходимлардан пул олинишига умуман чек қўйиши ва бу жиноий жавобгарлик эканлигини ёддан чиқармасликлари зарур. Булардан ташқари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг 1993 йил 2 июнидаги N250 сон буйруғига асосан «Соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг бепул тиббий хизмат олиш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ бюджет даволаш-профилактика муассасаларида ишлаётган тиббиёт ходимлари даволаш-профилактика муассасаларида қабул қилиниши (текшириш, даволаш ва қайта тиклаш) ва даврий тиббий кўриклардан ўтиши бепул қилиб белгиланган.

Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан муассасаларнинг касаба уюшма қўмиталари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июнидаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган рўйхат бўйича ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишда Меҳнат Кодексининг 214-моддаси талаблари тўлиқ бажарилишини доимо назорат қилиб боришлари, агар бу модданинг талаблари бузилган тақдирда, бундай қонунбузарчиликка чек қўйиш мақсадида Қонуннинг тўғри қўлланилишини назорат қилиб борувчи прокуратура органларига ёзма равишда мурожаат қилишлари зарур.

Саволларингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ:** корхонамиз иш берувчиси (у акциядорлик жамияти шаклида) биз билан муддатли меҳнат шартномаси тузмоқчи эканлигини маълум қилди.*

Ходимлар билан тузилган аввалги меҳнат шартномаларини иш берувчи талаби билан муддатли шартномага ўзгартириш мумкинми?

Муддатли меҳнат шартномаларининг қўлланилиши хусусида батафсил маълумот беришингизни сўраймиз.

И.ИСКАНДАРОВ,
Косон тумани.

ЖАВОБ: номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини муддатли меҳнат шартномасига ўзгартириш, умуман, унинг муддатли меҳнат шартномасини қўллаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 75- ва 76-моддалари билан тартибга солинади. Унга мувофиқ, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг шартларини, шу жумладан унинг муддатини ўзгартиришга тарафлардан бирининг талаби билан МКнинг 89- ва 90-моддаларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатли қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади (89-модда).

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириши ҳақидаги талаби (аризаси) берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирилмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши лозим (90-модда).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, муддатли меҳнат шартномаси тузилганлиги ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини (таътиллардан фойдаланиш, мукофотлар, рағбатлантириш ва қўшимча имтиёзлардан баҳраманд бўлиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқларини) бирон-бир тарзда чекламайди.

Меҳнат Кодексининг 76-моддасида иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган бўлиб, қонун талабига кўра, муддатли меҳнат шартномалари бажарилган ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган баъзи ҳоллардагина тузишга йўл қўйилади:

бажарилажак ишнинг хусусиятлари ёки уни бажариш шартлари туфайли мавсумий ишларни бажариш билан боғлиқ ишларни яъни қишки мавсум вақтидаги ўт ёқувчи ёки иситиш қозонхонаси оператори, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун қурувчилар билан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мавсумий ишларни бажариш каби юмушлар учун муддатли меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилади.

Бажарилажак ишни бажариш шартлари ҳисобга олинган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузишга бола туғиш ва уни парваришлаш муносабати билан таътилда бўлган аёлнинг ўрнига унинг ишга чиқиш вақтигача, бошқа ходим (шахс) билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлади.

Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабига кўра, ходимнинг (фуқаронинг) ўзи манфаатдор бўлган ҳар қандай ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузишга ҳам йўл қўйилади. Фақат бундай ҳолатда муддатли меҳнат шартномаси тузишдан ходимнинг бевосита манфаатдорлиги ишончли ва яққол кўриниб туриши лозим. Сабаби, амалиётда, баъзан иш берувчилар томонидан ходимларга тазйиқ ўтказилиб, улар билан «ихтиёрий-мажбурий» равишда муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳоллари кам бўлса ҳам учраб туради. Келгусида турли низолар келиб чиқмаслиги учун, айни муддатли меҳнат шартномаси тузилишидан манфаатдор бўлган ходим (масалан, ўқув юртида ўқиётган талаба ёки фарзанди мактабгача тарбия муассасасида бўлган она) тегишли ариза ёзиб, иш берувчига шундай илтимос билан мурожаат қилишга сабаб бўлган омилларни кўрсатиб ўтиши, мақсадга мувофиқдир.

Номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳамда қонунда назарда тутилган ҳолларда Меҳнат Кодексининг 76-моддасига асосан корхона раҳбари, унинг ўринбосари, бош бухгалтери, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин. Алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг бошқа маъмурий-бошқарув ходимлари ва таркибий бўлимларнинг бошлиқлари билан Меҳнат Кодексининг 76-моддаси асосида муддатли меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 4- ва 22-моддаларига асосан, меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиши учун кейинчалик икки ойгача муддатга узайтириш ҳуқуқи билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Ҳақ тўлашдаги жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларга тўланадиган иш ҳақининг камида эллик фоизи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса маҳаллий бюджетлар ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарнинг коорпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакиллари билан, шунингдек акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбари билан бир йилдан кўп бўлмаган вақтга муддатли меҳнат шартномаси тузиш шарт эканлиги кўрсатилган.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар қатъий тартиб ҳисобланиб, уларни кенг маънода талқин этишга ва қўллашга йўл қўйилмайди.

***САВОЛ:** қайси турдаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилган?*

Н.ЎРОЗБОЕВ,
Гурлан тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, қуйидаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар:

- ногиронлар жамоат ташкилотларига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналари;
- протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез қўйиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар;
- тарбия ва таълим муассасалари ҳузуридаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари;
- бюджет таъминотидаги театр-томоша ташкилотлари, иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилганлар.



Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ:** менинг ўғлимга ҳарбий қисмнинг тавсияномаси асосида 10 фоизли имтиёз берилиб, шартнома асосида ўқимоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22-майдаги 277-сонли қарорининг 3-бандига асосан ўғлимга 20 фоизли имтиёзли балл берилиши керак эмасмиди?*

А.ТИЛОВҚОБИЛОВ,
Фориш тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг муддатли ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги 1994 йил 3 октябрдаги 496-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшиш имтиёзи берилади. Ушбу имтиёз олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишларига жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 227-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига қабул қилишда тест синовларида улар йиғган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 20 фоизини қўшиш имтиёзи берилади. Ушбу имтиёз Мудофаа вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқлаган таълим йўналишлари ва олий таълим муассасаларига жорий этилади. Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ушбу тоифага кирувчи абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда белгиланган шакллар бўйича Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига кундузги ва сиртқи бўлимлар учун 1 августда тақдим этадилар.

***САВОЛ:** ўқув йили бошида тарификация ўтказилганда менга «маълумоти умумий ўрта» ставкаси қўйилди. Педагоглик техникумини битирган дугоналарим эса ўрта педагоглик маълумотли деган ном билан юқорирок ойлик олиб ишламоқдалар. Тошкент педагогика университетининг сиртқи 3-курсида ўқийман. Менга белгиланган ставка тўғри қўйилганми?*

Д.ЮСУПОВА,
Тошкент вилояти Бекобод тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари ва алоҳида раҳбар ходимларининг разрядлари ва иш ҳақи ставкалари рўйхати»да ўрта махсус маълумотли мутахассисларга 8-разряд бўйича иш ҳақи тайинланган. Сиз эса университетни битирмагансиз, ўрта махсус маълумотга эга эмассиз. Ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган мутахассисларга 6-разряд бўйича иш ҳақи таъйинланган.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган И.Эргашев номли тиббий-санитария қисмига қарашли болалар шифохонасида ўнлаб малакали шифокорлар хизмат қилади. Гули Аҳмедова, Нигора Абзалова сингари қўли енгил педиатрлар хизматидан, айниқса, кўпчилик мамнун.

Шифохона ходимлари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан йил бошида ҳудуддаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда 30-Меҳрибонлик уйи ва 133-мактаб-интернат тарбияланувчилари тиббий кўрикдан ўтказилди.

КОМПЬЮТЕР ҲИСОБЛАЙДИ

"Қўқонқишлоқ пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятида синовдан ўтказилган "Cotton-Net" тизими хўжаликлар далаларида етиштирилган хомашёни тезликда ўлчаш имконини беради.

"Cotton-Net" тизими радиоэлектрон ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бэкэлектронес" ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари томонидан ўрнатилди. Корхона Пахтаобод корхонаси ишчилари билан биргаликда тизимни ўрнатиш,синовдан ўтказиш юмушларини бажаришди.

"Бэкэлектронес" нинг бош муҳандиси Баҳтиёр Қосимовнинг таъкидлашича, "Cotton-Net" устунлиги бош корхонадаги ўлчов асбоблари компьютер тармоғининг барча тайёрлов пунктлари тарозилари билан боғланганлигидир.

"Туркистон-пресс"

Умид НОРБОЕВ олган сурат

КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2004 йил 18, 25 март кунлари соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносида такроран ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. "ГАЗ-3102" русумли, давлат рақами 10 PP 253, 1994 йил.
Бошланғич баҳоси—3 907 343 сўм.
2. "ГАЗ-3102" русумли, давлат рақами 10 UZ 351, 1994 йил.
Бошланғич баҳоси—3 418 925 сўм.
3. "ГАЗ-3102-311" русумли, давлат рақами 10 PP 348, 2000 йил.
Бошланғич баҳоси—1 973 837 сўм.
4. "ГАЗ-3102" русумли, давлат рақами 10 UZ 352, 1991 йил.
Бошланғич баҳоси—3 907 343 сўм.
5. "ГАЗ-31029" русумли, давлат рақами 10 UZ 321, 1992 йил.
Бошланғич баҳоси—1 641 084 сўм.
6. "ГАЗ-31029" русумли, давлат рақами 10 AO 113, 1995 йил.
Бошланғич баҳоси—1 846 220 сўм.
7. "ГАЗ-31029" русумли, давлат рақами 10 AS 085, 1996 йил.
Бошланғич баҳоси—1 641 084 сўм.
8. "ГАЗ-31029" русумли, давлат рақами 10 AS 081, 1995 йил.
Бошланғич баҳоси—1 435 949 сўм.
9. "ГАЗ-2410" русумли, давлат рақами 81 85 ТНД, 1992 йил.
Бошланғич баҳоси—761 932 сўм.
10. "ГАЗ-2410" русумли, давлат рақами 12 02 ТНБ, 1992 йил.
Бошланғич баҳоси—761 932 сўм.
11. "ИЖ-2715" русумли, давлат рақами 11 85 ТНА, 1988 йил.
Бошланғич баҳоси—721 337 сўм.
12. "РАФ-2203" русумли, давлат рақами 10 AQ 568, 1987 йил.
Бошланғич баҳоси—1 933 907 сўм.
13. "УАЗ-452 В" русумли, давлат рақами 10 AA 946, 1980 йил.
Бошланғич баҳоси—2 445 795 сўм.
14. "Опель-Омега" русумли, 1999 йил.
Бошланғич баҳоси—21 881,2 минг сўм.
15. "Опель-Омега" русумли, 1999 йил.
Бошланғич баҳоси—18 038,8 минг сўм.
16. „Опель-Вектра 1,8S» русумли, 1995 йил.
Бошланғич баҳоси—8805,1 минг сўм.
17. «ГАЗ-3102» русумли, 1998 йил.
Бошланғич баҳоси—3617,0 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги"га мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 8 хона.
Маълумот учун телефонлар: 136 28 75, 133 25 21.
Факс: 136 06 17
www. rkmb. expo. uz

Бор бўл, оқибат!

Мустақилликнинг илк кунларидаёқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндошиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда янги йилни хайрли ном билан қарши олиш одат тусига кирди. Бундай номлар замирида миллионлаб инсонларнинг манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти ва бола химояси, қарияларни қадрлаш, махалла ва хонадонлар ободлиги мужассам.

ЭЗГУЛИК УРУҒИ АБАДИЙ

Бугун биз олижаноблик, инсонпарварлик, саховатпешалик, мардлик, одамийлик каби улуғ фазилатларни ўзида жо этган Меҳр ва мурувват йилида яшамоқдамиз.

Меҳр ва мурувват киши хулқининг подшоси. У бамисоли қуёш. Унинг эзгу нурларидан бахраманд бўлган инсонгина бахтлидир.

Инсон боласининг қалбида энг аввал ота-онага меҳр уйғонади, ҳали тили чиқмай туриб шундай улуғвор туйғу туяди ўзида. Онанинг фарзандига бўлган меҳри у қуйлаган аллаларда аксадо бериб, мурғак қалбда муҳрланади. Чунки аллада она илтижоси, бу ёруғ дунёнинг сеҳрли оҳанги жамулжамдир.

Имом Бухорий бобомиз томонидан бизга мерос қилиб қолдирилган ҳадислардан бирида шундай дейилади: «Кимки ризқим улуғ, умрим узоқ бўлсин деса, инсонларга, қариндошуруғларга меҳр-оқибатли бўлсин!»

Оналарнинг меҳри ўзгачадур.

Бир киши пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, мен одамлардан кимларга яхшилик қилай?», – дебди. Пайғамбаримиз «Онангга» деб жавоб берибдилар. Ҳалиги киши ундан сўнг-чи, деса яна онанга, онанга дебдилар. Тўртинчи марта сўралганда отангга деган эканлар.

Исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор. Ҳеч қандай моддий бойликни меҳр билан алмаштириб бўлмайди. Меҳрга фақат меҳр билан жавоб бериш мумкин. Одам ҳурматини жойига қўйиш, меҳнатини эъзозлаш – бу унга кўрсатилган меҳрнинг бир кўринишидир. Бизни ҳеч қачон ота-она юзига тик қарамаслик, сўзларини икки қилмаслик руҳида тарбиялашган. Айниқса, ота-она кексайганида меҳр билан қараш фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарз. Афсуски, ўз ота-онасига қўл кўтарган, дилида озор етказган ёки «меҳрибонлик қилиб» қариялар уйига элтиб қўядиган ноқобил фарзандлар ҳам бор орамизда. Албатта Қариялар уйида, Меҳрибонлик уйларида етарли даражада моддий шарт-шароитлар мавжуд. Лекин ота-онанинг фарзандларга, фарзандларнинг ота-оналарига бўлган меҳрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди-ку! Бундай кишиларга раҳм-шафқат, меҳр-мурувват кўрсатмаслик, дилига малҳам бўлувчи сўзларни айтмаслик мумкинми ахир!

Халқимиз орасида бир-бирини йўқлаш, ночор ва ногирон оилаларга, ёлғиз қолган қариялларга, етим-есирларга кўмаклашиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш одат тусига айланган.

Қадим-қадимлардан Меҳржон байрами нишонланиб келинган. У тўкин-сочинлик фасли кузда ўтказилиши бежиз эмас. Одамлар етиштирган ҳосилларидан бир қисмини ночор оилаларга беришади. Қариялар эса «ёшу қари, эр-хотин, ота-она, фарзандлар орасидан меҳр ҳеч қачон кўтарилмасин» деб дуо қиладилар. Раҳм-шафқат, меҳр-мурувват, саховат, ўзаро ёрдам хислатлари улуғланади.

Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишдан кўзланган мақсад ҳам битта – одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса фарзандларимизни комил инсонлар қилиб вояга етказиш, энг яхши фазилатларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир.

Бу дунё сиз-биз кўриб турганидан-да кенг ва мураккаб. Умр эса чекланган. Шундай экан, бу дунёда меҳр ва мурувват, оқибат, эзгулик унутмаслигимиз керак.

Севара НУРМАТОВА,
Тошкент Давлат халқ рақси ва хореография олий мактаби катта ўқитувчиси

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда

КЕКСА ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу масканда айни пайтда 6 та кафедра, 7 бўлим мавжуд. Фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар орасида фан доктори, 14 нафар фан номзоди бор.

Жорий ўқув йилидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим секторини ривожлантириш дастури лойиҳасининг Осиё Тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан «Масофадан малака оширишнинг таълим ресурс марказлари» ташкил этилди. Бунинг учун 80 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Марказнинг асосий мақсади нафақага чиқиб ҳозирда ишлаётган кекса ногирон ўқитувчиларнинг малакасини оширишдан иборат. Вилоятнинг Бахмал, Дўстлик, Фориш, Ғаллаорол, Зомин туманларида ана шундай марказлар ташкил этилди. Бу ўқитувчиларнинг 100-200 километр йўл босиб, малака ошириш институтларига қатнашдан халос этди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Бағрикенглик

Адашганлар қисмати... Афсуски, қаршилик Шерзод Жамолов хатосини анча кеч тушуниб етди. Акидапарастлар қутқусига учиб, тўғри йўлдан тойганини қалбан ҳис этганида ғишт қолипдан кўчган эди. Ғаламислар тўдасига қўшилиб, нонкўрлик килди, ножўя ишлар билан шуғулланди. Ок-коранинг фаркига бормаган соддадил ва ишонувчан, диний илмлардан бехабар йигитни акидапарастлар тузоғига илинтирдилар.

АДАШГАН ЭДИ

Жиноят жазосиз қолмайди. Конституцион тузумга қарши варақалар тарқатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 159-моддаси билан 7 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Тавба-тазаррулари инобатга олиниб юртбошимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони билан тайинланган муддатдан беш йил олдин оиласи бағрига қайтди.

– Бесамар кетган умримга ачинаман, – дейди Ш.Жамолов. – Бундан буён ҳалол меҳнат қилиб оила аъзоларимга мададкор бўламан. Экстремистларнинг ёлғон ваъдалари ҳаётимни заҳарлаганини жуда кеч тушуниб етдим.

– Фарзандимизнинг қайтиб келиши уйимизни тўлдириб, кўксимизни тоғдек юксалтирди, – дейди Шерзоднинг кекса ота-онаси. – Оллоҳга шукроналар айтиб, юртбошимизни дуо қилиб ўтирибмиз.

Жиноят Кодексининг 273-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган Бахтиёр Тошев ҳам амнистия туфайли озодликка чиқди. Эндиликда нотўғри йўлга кириб қолганлигини тан олди. Қилган айбларидан қаттиқ пушаймон.

– Меҳнатда ўзимни кўрсатишим керак, – дейди Бахтиёр биз билан суҳбатда. – Халқимизнинг кечиримлилиги, бағрикенглиги туфайли қадрдон оилам бағрига қайтдим. Ишончни оқлаш учун бутун куч-ғайратимни аямай меҳнат қиламан.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан бир гуруҳ муқаддам судланган шахслар озодликка чиқишди. 99 нафар аёл, 29 нафар вояга етмаганлар, ногиронлар, 22 нафар 60 ёшга кирган фуқаролар, 184 нафар экстремистик гуруҳларга алоқадор маҳкумлар эркин меҳнатга қайтдилар. Меҳр-мурувват кўрсатилганлар қилмишларидан пушаймон бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топишга, юртдошлари, оила аъзолари олдидаги бурч ва масъулиятларини ҳис этган ҳолда иш тутишларини изҳор этмоқдалар.

Бундан ташқари, 759 нафар биринчи марта судланганлар, 473 нафар 2 йиллик жазо муддати қолган маҳкумлар ҳам озодлик ҳавосидан баҳраманд бўлишди.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоялаш қўмиқма марказлари, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлимлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари жазодан озод қилинганларнинг ҳаётда ўринларини топиб кетишларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Қашқадарё вилояти бўйича авф этилган 193 нафар муқаддам судланганларнинг 164 таси амалдаги қонунлар асосида ишга жойлаштириш учун меҳнат бўлимларига юборилди. 8 нафар тиббий ёрдамга муҳтожлар даволанишга жўнатилди. Ҳар бир кишига маҳаллий бюджет ҳисобидан энг зарур харажатлар учун 32 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Озод яшаш ва эркин фикрлаш ҳуқуқига эга бўлиш энг катта бахт. Қонунларимиз адолатли ва устувор. Адашганларни тўғри йўлга қайтариш, қайта тарбиялаш, инсофли, диёнатли одамлар сафидан муҳим ўрин эгаллашларини назарда тутади.

ЁЛҚИН

Хабарлар оқимидан

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

Таниқли мўйқалам устаси Турсунали Қўзиев ўз асарлари билан халқаро доирада яхши танилиб қолди. Унинг ижод намуналари чет мамлакатларда ташкил этилган қатор халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш қилинди.

Японияда уюштирилган «Буюк ипак йўли манзаралари» деб номланган бадиий фотокўргазма ҳам санъаткор учун навбатдаги жиддий имтиҳон бўлди. «Ўзбекистон ҳунармандлари» экспозицияси ҳам рассомнинг бадиий фотосуратқашлик маҳоратидан далолат берди.

Рассом шу кунларда яна бир йирик кўргазмага тайёргарлик кўрмоқда. Бу сафар унинг энг яхши асарлари Миср Араб Республикасида намойиш қилинади. «Болаликдан ёрқин келажак хотиралари» деб номланган бу экспозициядан 20 дан ортиқ асар ўрин олади.

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

Республика санъатшунослик институти учун ўтган 2003 йил самарали бўлди. Хориждаги турдош илмий марказлар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Шу ўринда Япония санъатшунос ва археолог олимлари билан илмий алоқалар натижалари хусусида ҳам яхши фикрларни айтиб ўтиш жоиздир. Кунчиқар мамлакатда машҳур бўлган Сока санъат университети олимлари билан биргаликда амалга оширилган изланишлар кутилган натижани берди.

Ушбу Япон университетида ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатишга қарор қилингани қувонарлидир.

Ўзбекистон Бадиий академиясида яратилган Навоий ҳайкали шу якин орада Токиога олиб борилади. Бу улкан ёдгорлик Соко университетининг хиёбонига ўрнатилади.

ҚИММАТЛИ АТЛАС

Ўзбек диёри ўзининг бадиий ҳунармандчилик санъати билан ҳам машҳур. Бу кўҳна санъат намуналари Ўзбекистон Бадиий академияси мутахассислари томонидан атрофлича тадқиқ этилмоқда.

Бу соҳада олиб борилган дастлабки изланишлар «Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилиги Атласи» нашрининг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу кўҳна атласнинг янада сифатли ва мазмунли бўлиб чиқишида картография технологиялари қўл келди.

Шу кунларда санъатшунослик ва археолог олимлар яна бир нуфузли атласни яратиш устида иш олиб боришмоқда. «Бойсуннинг бадиий ҳунармандчилиги ва фольклори маркази» деб номланган ушбу атлас босмага ҳам тайёрланади.

Ушбу нашр «Бойсун баҳори – 2004» фольклор фестивали олдидан чоп этилади.

А.АЛИЕВ

Футбол ишқибозлари, Сизлар учун!

XIII ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

БИРИНЧИ ДАВРА

18-феврал
Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари
Ўзбекистон-Ироқ
24 феврал
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари
«Нефтчи»-«Ал-Иттиҳод»
25 феврал
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари
«Пахтакор»-«Қатар спорт клуби»

1-ТУР
4 март
«Насаф»-«Машъал»
«Навбаҳор» - «Металлург»
«Қизилқум» - «Сурхон»
«Самарқанд»-«Локомотив»
«Сўғдиёна»-«Андижон»
«Бухоро»-«Нефтчи»
«Трактор»-«Пахтакор»
2-ТУР
9-март
«Локомотив»-«Насаф»
10-март
«Андижон»-«Навбаҳор»
«Нефтчи»-«Қизилқум»
«Пахтакор»-«Самарқанд»
«Машъал»-«Сўғдиёна»
«Металлург»-«Бухоро»
«Сурхон»-«Трактор»
3-ТУР
15-март
«Насаф»-«Металлург»
«Навбаҳор»-«Сурхон»
«Қизилқум»-«Локомотив»
«Самарқанд»-«Андижон»
«Сўғдиёна»-«Нефтчи»
«Бухоро»-«Пахтакор»
«Трактор»-«Машъал»
4-ТУР
20-март
«Андижон»-«Насаф»
«Нефтчи»-«Навбаҳор»
«Пахтакор»-«Қизилқум»
«Машъал»-«Самарқанд»
«Металлург»-«Сўғдиёна»
«Сурхон»-«Бухоро»
22-март
«Локомотив»-«Трактор»
24-март
Ўзбекистон кубоги саралаш баҳслари
30-март
Ўзбекистон кубоги 1/16 финал баҳслари
31-март
Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари
Тайван-Ўзбекистон
6-апрел
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари
«Нефтчи»-«Ал-Араби»

5-ТУР
10-апрел
«Насаф»-«Сурхон»
«Навбаҳор»-«Локомотив»
«Қизилқум»-«Андижон»
«Бухоро»-«Машъал»
«Трактор»-«Металлург»
11-апрел
«Самарқанд»-«Нефтчи»
«Сўғдиёна»-«Пахтакор»
6-ТУР
16-апрел
«Пахтакор»-«Навбаҳор»
«Нефтчи»-«Насаф»
17-апрел
«Машъал»-«Қизилқум»
«Металлург»-«Самарқанд»
«Сурхон»-«Сўғдиёна»
«Локомотив»-«Бухоро»
«Андижон»-«Трактор»
21-апрел
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари
«Ал-Риффа»-«Пахтакор»
«Ал-Араби»-«Нефтчи»
7-ТУР
25-апрел
«Навбаҳор»-«Трактор»
«Қизилқум»-«Бухоро»
«Самарқанд»-«Сўғдиёна»
«Андижон»-«Металлург»
«Локомотив»-«Сурхон»
25-апрел
«Насаф»-«Пахтакор»
«Нефтчи»-«Машъал»
8-ТУР
1-май
«Трактор»-«Насаф»
«Бухоро»-«Навбаҳор»
«Сўғдиёна»-«Қизилқум»
«Сурхон»-«Самарқанд»
«Машъал»-«Андижон»
«Металлург»-«Локомотив»
4-май
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари
«Нефтчи»-«Сепахан»
5-май
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари
«Пахтакор»-«Зоб-Ахан»
8-май
Ўзбекистон кубоги 1/8 финал
9-ТУР
14-май
«Насаф»-«Бухоро»
«Навбаҳор»-«Сўғдиёна»
«Қизилқум»-«Самарқанд»
«Нефтчи»-«Трактор»
«Андижон»-«Пахтакор»
«Локомотив»-«Машъал»
«Сурхон»-«Металлург»
18-май
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари
«Ал-Иттиҳод»-«Нефтчи»
19-май
Осиё чемпионлар лигаси баҳслари

«Қатар спорт клуби»-«Пахтакор»
10-ТУР
23-май
«Сўғдиёна»-«Насаф»
«Самарқанд»-«Навбаҳор»
«Бухоро»-«Трактор»
«Металлург»-«Қизилқум»
«Машъал»-«Сурхон»
24-май
«Пахтакор»-«Локомотив»
«Нефтчи»-«Андижон»
29-май
Ўзбекистон кубоги
1/4 финал биринчи учрашувлар
11-ТУР
3-июн
«Насаф»-«Самарқанд»
«Навбаҳор»-«Қизилқум»
«Андижон»-«Бухоро»
«Сурхон»-«Пахтакор»
«Локомотив»-«Нефтчи»
«Металлург»-«Машъал»
4-июн
«Трактор»-«Сўғдиёна»
9-июн
Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари
Ўзбекистон-Фаластин
12-июн
Ўзбекистон кубоги 1/4 финал жавоб учрашувлари
8-ТУРнинг қолдирилган ўйини
«Пахтакор»-«Нефтчи»
12-ТУР
19-июн
«Қизилқум»-«Насаф»
«Самарқанд»-«Трактор»
«Сўғдиёна»-«Бухоро»
«Машъал»-«Навбаҳор»
«Пахтакор»-«Металлург»
«Нефтчи»-«Сурхон»
«Андижон»-«Локомотив»
13-ТУР
25-июн
«Машъал»-«Пахтакор»
«Трактор»-«Қизилқум»
26-июн
«Насаф»-«Навбаҳор»
«Бухоро»-«Самарқанд»
«Локомотив»-«Сўғдиёна»
«Металлург»-«Нефтчи»
«Сурхон»-«Андижон»

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТРЕНИНГ

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида "Оммавий ахборот воситаларида менежмент, маркетинг ва реклама" мавзуида семинар ва тренинг ўтказилди.

– Ҳозирги даврда ҳаётнинг кўпгина соҳалари рекламага асосланган, - деди Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази директори Гулнора Бобожонова. - Бирон бир нарса харид қилмоқчи бўлсак, албатта рекламага таянамиз. Маълумки, республикамиздаги рекламалар хориж тажрибасига асосланган. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари рекламасини хорижникидан қолишмаган ҳолда миллий анъаналармиз ва менталитетимиздан келиб чиқиб тайёрлашлари лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган икки кунлик тренингда журналистлар уч гуруҳга бўлинган ҳолда назарий ва амалий машғулотлар ўтказишди. Улар радио, телевидение ва газеталарда менежмент ва бўлимлар бўйича ўзаро ҳамкорлик, реклама тўғрисида умумий тушунчалар,унинг турлари ва сотилиши бўйича маърузалар тинглашди. Тренинг охирида журналистларга сертификатлар топширилди.

Биласизми?

КУТУБХОНА ТАРИХИ

Алишер Навоий номидаги Марказий Давлат кутубхонасининг вужудга келиш тарихи жуда узоқдир...

Маълумки, рус қўшинларининг Ўрта Осиёга босқинчилик юриши чоғида жуда кўплаб бойликлар қатори анча-мунча китоблар ҳам ўлжа тушади. Ана шулар асосида 1870 йилнинг май ойида генерал-губернатор Кауфманнинг буйруғига кўра Тошкент халқ кутубхонаси ташкил этилади. Кутубхонага Туркистон генерал-губернаторлигининг канцелярия бўлими амалдори Н.В.Дмитровский раҳбар этиб тайинланади. Кутубхона ташкил топганда кутубхона фонди 1200 номдаги 2200 жилд китобдан иборат эди. Дастлабки 15 ой ичида 75 китобхонга хизмат кўрсата бошлайди. Кейинчалик кутубхона фонди ҳам, китобхоналар сони ҳам ортиб боради.

Масалан, 1876 йилда кутубхона фонди 4401 та бўлса, 1918 йилга келиб 80.000 га етади.

Йиллар силсиласида кутубхона номи ҳам ўзгариб борди. 1887 йилдан у Туркистон халқ кутубхонаси, 1924 йилдан Ўрта Осиё Давлат кутубхонаси, 1934 йилдан Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси деб номланган. 1951 йил Алишер Навоий таваллудининг 510 йиллик юбилейи нишонланиши муносабати билан унга улуғ шоир номи берилади. Кутубхонада «Нодир китоблар» бўлими ташкил этилган бўлиб, унда Шарқ ва Ғарб тарихига оид нодир қўлёзмалар, хариталар ва матбуот нашрлари сақланади.

– Бўлимнинг китоб фонди дастлаб жуда катта бўлган,- дейди биз билан суҳбатда 40 йилдан бери кутубхонада ишлаб келаётган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони соҳиби Раҳимжон Файзуллаев. – Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топгач, форсий ва арабийда битилган қўлёзма асарларнинг деярли барчаси 1943 йилдан Шарқшунослик илмий- текшириш институтига берилди. Ҳозирги кунда ҳам фондимизда Ҳақназар уста Қурбон Бешариқий ва Муҳаммадхон ҳаттотлар томонидан кўчирилган Навоий девонлари сақланмоқда.

Кутубхонанинг «Нодир китоблар» бўлимида 15 мингдан ортиқ сара асарлар, матбуот нашрлари сақланмоқда. Кутубхона хорижий мамлакатлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўз жамғармасини бойитиб бормоқда. Масалан, ўтган йили Эрон Ислом Республикаси томонидан 400 дан ортиқ китоблар кутубхонага топширилди.

Дилшод КАМОЛОВ

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар қўмитаси Тошкент шаҳар қўмитаси раиси Ноила Умаровага укаси **РАУФЖОН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г— 217 1 2 3 4 5